

## СУДЬЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Рахимова Гулистон Атамуратовна

Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети

Ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

### Аннотация

Мақолада фуқаролик процессида судьянинг ҳуқуқий мақоми тушунчаси, унинг назарий-ҳуқуқий асослари ҳамда миллий ва халқаро ҳуқуқий манбалари таҳлил қилинган. Судья ҳуқуқий мақомининг умумий ва махсус элементлари очиқ берилган. Шунингдек, фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида судьянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мустақиллик кафолатлари, процессуал ҳамда ҳуқуқни қўллаш ваколатларининг мазмуни ёритилган. Фуқаролик процессида судьянинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришининг назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** суд ҳокимияти, судья, ҳуқуқий мақом, фуқаролик процесси, суд мустақиллиги, одил судлов, процессуал ваколатлар.

### Аннотация

В статье проводится анализ понятия правового статуса судьи в гражданском процессе, а также его теоретико-правовых основ и национальных и международно-правовых источников регулирования. Раскрываются общие и специальные элементы правового статуса судьи. Кроме того, освещаются права и обязанности судьи в процессе рассмотрения и разрешения гражданских дел, гарантии его независимости, а также содержание процессуальных и правоприменительных полномочий. Обосновывается теоретическая и практическая значимость совершенствования правового статуса судьи в гражданском судопроизводстве.

**Ключевые слова:** судебная власть, судья, правовой статус, гражданский процесс, независимость судьи, правосудие, процессуальные полномочия.

### Abstract

This article examines the concept of the legal status of a judge in civil proceedings, analyzing its theoretical and legal foundations as well as the relevant national and international legal sources. The study elucidates both the general and specific components of a judge's legal status. Furthermore, it explores the rights and duties of judges in the adjudication of civil cases, the guarantees ensuring judicial independence, and the substance of their procedural and law-enforcement powers. The article substantiates the theoretical and practical significance of further enhancing the legal status of judges within the framework of civil justice administration.

**Keywords:** *judicial power, judge, legal status, civil procedure, judicial independence, administration of justice, procedural powers.*

## КИРИШ

Ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим талабларидан бири суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва самарали фаолиятини, одил судловнинг амалда таъминланишини кафолатлашдан иборат. Мазкур вазифанинг амалга оширилиши, аввало, суд жараёнининг марказий иштирокчиси бўлган судьянинг ҳуқуқий мақоми қай даражада мукаммал шаклланганлиги билан боғлиқдир.

Судья давлат номидан одил судловни амалга оширувчи шахс сифатида алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, унинг фаолияти қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда адолат қарор топишига хизмат қилади. Шу боис судьянинг ҳуқуқий мақоми ҳуқуқ назарияси ва амалиётида доимий равишда тадқиқ этиладиган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса фуқаролик процессида судьянинг ҳуқуқий мақомини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш, уни такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш заруратини янада кучайтирмоқда.

Шу муносабат билан мазкур мақолада фуқаролик процессида судьянинг ҳуқуқий мақомининг мазмуни, таркибий элементлари, ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади ҳамда уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари ёритилади.

Ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим талабларидан бири — суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва самарали фаолиятини, одил судловнинг амалда мавжудлиги таъминлашдир. Бу эса аввало, суд жараёнида марказий ўринни эгалловчи судьянинг ҳуқуқий мақомининг талаб даражасида мукаммаллашувига бевосита боғлиқдир. судья давлат номидан одил судловни амалга оширадиган шахс сифатида алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, унинг фаолияти қонун устуворлигини, давлатнинг олий мақсади ҳисобланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган.

Аввало судья ҳуқуқий мақомининг назарий асослари тўғрисида шуни айтиш керакки, судья ҳуқуқий мақомининг назарий асослари ҳокимият бўлиниши принципи билан узвий боғлиқ. Бундан тахминан 300 йил илгари француз мутафаккири Шарль Луи Монтескье илгари сурган ҳокимиятлар бўлиниши назариясига кўра, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятдан тамоман мустақил фаолият

юритиши лозимлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган. Суд ҳокимияти мустақил бўлган тақдирдагина жамиятда адолат таъминланади.

Судьянинг ҳуқуқий мақоми унинг жамият ва давлат тизимидаги ўрни, ваколатлари, мажбуриятлари, мустақиллиги ҳамда жавобгарлигини ифода этувчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади. Шу боис мазкур масала ҳуқуқ назарияси ва амалиётида доимо долзарб аҳамият касб этади ва мунтазам ўрганишни тақазо қилади.

Ҳуқуқий мақом тушунчаси юридик адабиётларда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар, кафолатлар ҳамда жавобгарлик мажмуаси сифатида кўрилади. Судьянинг ҳуқуқий мақомининг тушунчаси эса суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат ҳокимияти мансабдор шахснинг ҳуқуқий ҳолати ифодалайди.

Судьянинг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи меъёрий қоидалари базаси халқаро ва миллий даражада шаклланган бўлиб, қонунчилигимизда судьянинг ҳуқуқий ҳолатида иккала даражадаги элементларни уйғунлаштириш замонавий ҳуқуқий давлат қурилишининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1985 йилги "Судьяларнинг мустақиллигига оид асосий принциплар" ҳужжати судья мақомига оид умумэтироф этилган меъёрларни белгилаб берган. Мазкур ҳужжат бўйича судьяларнинг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланиши ва давлатнинг конституцияси ёки қонунида мустаҳкамланиши лозим. Бундан ташқари, 1998 йилда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган "Судьяларнинг Европа хартияси" судьяларни лавозимга тайинлаш, малакасини ошириш ва шикоятларни кўриб чиқиш тартибини батафсил белгилаб берган.

Ўзбекистон миллий қонунчилигида 2023 йил 30 апрелда қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимиятининг мустақиллиги асосий конституциявий тамойил сифатида мустаҳкамлаган бўлиб, 130-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат судлар томонидан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда амалга оширилиши белгиланган. Ушбу конституциявий тамойил судьялар фақат қонунга бўйсунганини, ҳар қандай ғайриқонуний таъсирдан ҳоли бўлишини таъминлашга қаратилган. Суд мустақиллиги судьянинг фақат қонунга бўйсунганида намоён бўлади. Ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс ёки бошқа субъект суд фаолиятига аралашиб ҳуқуқига эга эмас. Суд мустақиллиги адолатли судловнинг асосий кафолати ҳисобланади. Судья қонунга қатъий амал қилиш билан бирга одил судловни амалга оширишда ички ишончга асосланиш имконияти ҳам унинг мустақиллиги ва масъулиятини ифодалайди.

Судьяликка тайинлаш ва сайлаш тартиби юзасидан кейинги даврда амалга оширилган ислохотлар, уни жинойий ёки маъмурий жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби мавжудлиги судьянинг мустақил қарор қабул қилиши учун ҳуқуқий қафолат яратади.

Судьянинг ҳуқуқий мақоми тушунчасини таҳлил шуни кўрсатадики, мазкур ҳуқуқий категория умумий ва махсус элементлар йиғиндисидан ташкил топган мураккаб ҳуқуқий тузилма ҳисобланади.

Суд ҳокимияти тизимидаги барча судьялар эга бўлган судьянинг умумий ҳуқуқий мақоми элементлари билан бирга судьянинг махсус ҳуқуқий мақоми ҳам мавжуд.

Судьянинг умумий ҳуқуқий мақом элементлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, Судьялар олий кенгашига оид қонун ҳужжатлари, судьялар одоби кодекси ва бошқа суд тизимида одил судловни амалга ошираётган барча судьяларга бир хил тегишли меъёрлар белгиловчи норматив ҳужжатлар билан мустақамланган ҳуқуқлар, мажбуриятлар, қафолатлар, чекловлар ва жавобгарлик чораларини ўз ичига олади.

Судьянинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи суд тизимида фаолият юритаётган барча судьяларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва ваколатлари, мажбуриятлари, мустақиллик қафолатлари, ишни мазмунан кўриш чоғида ички ишончга таянишлиги, дахлсизлиги, унга қўйилган этик талаблар, юридик жавобгарликлар йиғиндиси судьянинг умумий ҳуқуқий мақоми элементлари ҳисобланади.

Судьянинг махсус ҳуқуқий мақоми эса у муайян турдаги ва босқичдаги суд ишларини юритиш жараёнида намоён бўлади. Хусусан, фуқаролик суд ишларини юритишда судьянинг ҳуқуқ ва ваколатлари Фуқаролик процессуал кодекси нормалари билан белгиланса, суднинг тизимининг бошқа соҳаларини процессуал тартибга солишга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар судьянинг шу соҳада фаолиятини таъминловчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Фуқаролик суд ишларини юритувчи, иқтисодий, маъмурий суд ишларини, жинойят ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўрувчи судьяларни, ҳарбий судьяларнинг, шунингдек, қамоққа олишга санкция бериш жараёнида судья мақомининг ўзига хос элементлари мавжуд.

Шу билан бирга, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларида ҳам судьянинг махсус ҳуқуқий мақоми намоён бўлади. Апелляция судида судьянинг махсус ваколатлари қонуний кучга кирмаган суд қарорларини, кассация инстанциясида эса қонуний кучга кирган қарорларини қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишга йўналтирилган. Тафтиш инстанциясида судья суд қарорларининг

мукаммал текшириб, суд томонидан чиқарилган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлашда тегишли махсус ваколатлардан фойдаланади. Шу тариха, судьянинг махсус ҳуқуқий мақоми ҳар бир инстанцияда қонуний ва процессуал назоратни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Шундай қилиб, махсус ҳуқуқий мақом судьянинг муайян процессуал фаолият соҳасидаги ҳуқуқий ҳолатини ифодалайди.

Демак, судьянинг ҳуқуқий мақомини умумий ҳуқуқий мақом, махсус ҳуқуқий мақомга ажратиш мумкин. Бундай ёндашув судьянинг ҳуқуқий мақомини комплекс равишда англаш, унинг турли суд юрисдикцияларидаги ҳуқуқий ҳолати ва ваколатларини ўрганиш, аниқ белгилаш, такомиллаштиришга имкон беради.

Таҳлил шуни кўрсатадики, фуқаролик процессидаги судьянинг ҳуқуқий мақоми статик ҳодиса эмас, балки жамиятнинг ривожланиши, қонунчилик ва суд амалиётининг ривожланиши, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши ва судлов тизимига нисбатан эҳтиёжларнинг ўзгариши билан бирга эволюция қилиб боровчи динамик тизимдир. Шу сабабли ушбу мақомнинг замонавий талабларга мувофиқлигини доимо таҳлил қилиш ва такомиллаштириб бориш, қонунчиликка татбиқ этиш зарурат ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал қонунчилик тарихига юзланадиган бўлсак, Ўзбекистонда фуқаролик низоларини судда кўриш жараёнини тартибга солувчи кодекслаштириган қонун ҳужжати “Ўзбекистон ССР фуқаролик процессуал кодекси” 1959 йилда қабул қилинган бўлиб, шу қонун ҳужжати Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг 1997 йилда қабул қилинган мустақил Ўзбекистоннинг Фуқаролик процессуал кодекси амалга киритилгунга қадар фойдаланилган.

Ҳозирда амалда бўлган 2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси фуқаролик ишларини кўришда судьянинг процессуал ваколатларини, ишни юритишнинг тартиб ва муддатларини, томонлар билан ўзаро муносабат тамойилларини батафсил белгилаб берувчи махсус қонун ҳужжатдир.

Фуқаролик процессида судьянинг ҳуқуқий мақоми ўзига хос хусусиятлари судьянинг жараёнда бир томондан нейтрал арбитр вазифасини бажариши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга фаол иштирок этиши, судьянинг ваколатларининг диспозитивлик принципи билан чекланиши (томонлар ўз хоҳиш-иродаси билан иш ҳажмини белгилаши, даъво талабини ўзгартириши, воз кечиши, келишув битими тузишлари)да кўринади.

Демак, фуқаролик процессида судьянинг ҳуқуқий мақоми ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, судья жараёнда диспозитивлик принципи билан чекланган

фаолликни, процессуал тенглик принципини таъминлаш мажбуриятини ва иш бўйича ҳақиқатини аниқлашда холислик позициясини сақлаш каби алоҳида масъулиятни зиммасига олади.

Фуқаролик процессида судьянинг ҳуқуқий мақоми элементларини мантиқий муҳокама қилиб, уларни уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин. ташкилий-бошқарув ваколатлари, процессуал ваколатлар ва ҳуқуқни қўллаш ваколатлари.

Ташкилий-бошқарув ваколатлари доирасида судья иш юритишнинг умумий йўналишини белгилайди: иш кўзғатиш ёки рад этиш, ишни судда кўришга тайёрлаш, экспертлар ва гувоҳларни чақириш, далилларни тўплаш каби ваколатлар судьянинг иш бўйича фаол бошқарувчилигини акс эттиради.

Процессуал ваколатлар — судьянинг иш юритишнинг ҳар бир муайян босқичида амалга ошириладиган ҳаракатларидир. Бу ваколатлар орасида: мажлис тартибини таъминлаш, томонларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш, ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш чораларини кўриш, келишув битимини тасдиқлаш кабилардир.

Ҳуқуқни қўллаш ваколатлари — судьялик мақоми таркибида энг муҳим ваколатлар гуруҳидир. Бу ваколатлар доирасида судья: далилларни баҳолайди, моддий ҳуқуқ нормаларини татбиқ этади, ҳал қилув қарори, ажримлар чиқаради. Мазкур ваколатлар судьянинг ички эътиқодига, яъни виждонига мос ҳолда амалга оширилади.

Фуқаролик процессида судьянинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш масалалари муҳокамаси бу судьянинг айнан фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнидаги ҳуқуқлари, ваколатлари, мажбуриятлари; мустақиллиги, ишни мазмунан кўриш чоғида ички ишончга таянишликка бўлган ихтиёри, дахлсизлиги, жараёнда амал қилиниши лозим бўлган этик талабларга оид мавжуд ҳуқуқ нормаларини ўрганиш ва таҳлил қилишдан ҳамда уларни кундан кунга ривожланиб бораётган замон талаблари даражасида хизматини таъминлашдан иборат.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Судьяларнинг мустақиллигига оид асосий принциплар (Басис Принциплес он тхе Индепенденсе оф тхе Жудисиарй). Милан, 1985 йил.
2. Европа Кенгаши. Судьяларнинг Европа хартияси (Еуропеан Чартер он тхе Статуте фор Жудгес). Страсбург, 1998 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрелда умумхалқ референдуми билан қабул қилинган. - Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик протсессуал кодекси. 2018